Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 30 декабрь, шанба. №158. (21.921). Сотувда эркин нархда.

АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВ

29 декабрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкент вилоятида жойлашган Қайнарсой қароргоҳида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг республикамиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан навбатдаги учрашув ўтказди.

Президент Ислом Каримов дипломатлар ва журналистларни яқинлашиб келаётган янги йил билан қутлади. Уларга жорий йилнинг август ойидаги учрашувдан буён ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, юртимизнинг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан мустаҳкамланаётган алоқалари, шунингдек, Ўзбекистон раҳбариятининг айрим халқаро ва минтақавий муаммоларга муносабати хусусида сўзлаб берди.

(Ўзбекистон раҳбарининг учрашувда сўзлаган нутқи матбуотда эълон қилинмоқда.)

Президент Ислом Каримов журналистлар ва дипломатларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, республика Бош вазирининг ўринбосарлари ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).





СУРАТЛАРДА: учрашув пайтида.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК – ЭНГ ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗДИР

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВА РЕСПУБЛИКАДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли дипломатия миссияларининг бошлиқлари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, хонимлар ва жаноблар!

Янги 1996 йил арафасида сизларни, дипломатия корпуси раҳбарлари ва ходимларини, ахборот воситаларининг вакилларини чин қалбимдан янги йил билан табриклаб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, эсон-омонлик ва мамлакатларингизга равнақ тилайман.

Янги йил арафаси — ажойиб пайт. Ҳамжамият бўлажак янги дунёга назар ташлаб, ўз фаолиятидаги муҳим давр якунларини чиқармоқда. Шу кунларда биз ҳам Ўзбекистонда ана шундай сарҳисоб ишлари билан машғулмиз.

Биз эзгу мақсадимизга эришдик, — янги давлатимиз жаҳон ҳамжамиятига кўшилганини мен ҳал қилувчи масала деб биламан.

Мен ташқи сиёсат маҳкамаларининг барча вакилларидан ҳамда мамлакатларингиз ҳукуматларидан кўрсатган ёрдам ва халқаро майдонда Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этганлари учун самимий миннатдорман.

Ҳурматли меҳмонлар,

ўзбек халқи шу йил сентябрда ўз мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлади. Бир неча кун муқаддам Олий Мажлис ўзининг тўртинчи сессиясида республиканинг конституциявий судини сайлади. **Умуман янги сиёсий тузумнинг асосий бўғинларини шакллантириш тугалланди, дейиш мумкин.**

1996 йилга биз ҳокимиятнинг тўлақонли ва салоҳиятли тармоқлари билан кириб бормоқдамиз. Улар ўзаро бир-бирини тўлдиради, қатъий ҳуқуқий асосда ҳаракат қилади ва мустаҳкам қонунчилик базасига эгадир.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами қонунлар тайёрлаш суръатини пасайтиришига йўл қўймайди. Олий Мажлис депутатлари сўнгги сессиянинг ўзида келгуси йил давлат бюджети масалаларини, фуқаролар ва меҳнат кодекслари лойиҳаларини, банклар ва банк фаолияти, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қонунларни, халқаро шартномаларни ва бошқа бир неча қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламентимиз иши ва депутатлар фракциялари фаолияти самарадорлиги сезирарли даражада ортди. Ўзбекистондаги бир неча партия вакиллари АҚШ томонининг таклифига биноан октябрь ойида ана шу мамлакатда бўлдилар. Улар Конгрессдаги, айрим штатларнинг қонун чиқарувчи йиғинларидаги партия фракциялари иш тажрибаси билан танишдилар. Парламентимиз аъзолари вақти келиб хорижий ҳамкасбларининг кўп тажрибаларидан фойдалана оладилар, деб ўйлайман.

Хонимлар ва жаноблар,

мамлакат жамоатчилиги воқеаларга бой бўлган сентябрь ойида яна бир катта санани — **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг** 50 йиллигини **кенг** нишонлади. Миллий комиссия Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги минтақавий ваколатхонаси билан биргаликда ишлаб чиққан дастурга мувофиқ юбилей тантаналари ғоят хилма хил ва сермазмун, тадбирларга бой бўлди.

БМТ юбилей сессиясида бу нуфузли халқаро ташкилот фаолиятини яхшилашга доир таклифларимизни айтиш имкониятига эга бўлдик. Зеро, БМТнинг ташкилотчилик фаолиятисиз умумжаҳон хавфсизлигига эришиб бўлмаслиги ҳозирги кунда мутлақо равшан.

Умумжаҳон хавфсизлиги минтақавий хавфсизликка эришишдан, муайян минтақадаги аниқ-равшан давлатларнинг ҳамжиҳатлиги ва биргаликдаги ҳаракатидан бошланадиган жараёндир.

Хонимлар ва жаноблар,

1995 йилда республикамиз пойтахтида ва Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарларида бир қанча халқаро анжуманлар ўтказилди. Айниқса **Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент семинар кенгашини биз ана шу анжуманларнинг энг муҳими деб биламиз.**

Кўпчилигингиз анжуманни ташкил этиш ва ўтказишда фаол қатнашдингиз. Ҳар бирингиз бу анжуманни БМТ ва шахсан жаноб Бутрос Бутрос Ғолий алоҳида кўллаб-қувватлаганига бевосита гувоҳ бўлиб, унинг нечоғли улкан аҳамиятга молик эканини ҳис этдингиз ва муносиб баҳоладингиз.

Бу кенгашда иштирок этиш учун 31 давлат ва олтита халқаро ташкилотдан келган мухтор вакиллар минтақа хавфсизлигининг, можароларнинг олдини олиш, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг ишончли тизимини барпо этиш масалалари юзасидан ўз фикрини айтди.

Менимча, кенгаш якунлари юзасидан қабул қилинган баёнот ҳам минтақавий, ҳам умумжаҳон хавфсизлиги муаммосига ёндашувларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг тутган ўрнини ва ноёб имкониятларини назарда тутган ҳолда бизнинг мураккаб воқелигимизни тушунишга яқинлашувни ўзида акс эттиргани учун қимматлидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Афғонистондаги можарони бартараф этиш йўлларини излашда биз БМТ ишлаб чиққан қарорларга мувофиқ ҳаракат қилдик. Бошқа манфаатдор томонларнинг ҳам минтақа миқёсида қилаётган саъй-ҳаракатларини ҳисобга олдик.

Фақат Ўзбекистонга қўшни мамлакатлар раҳбарлари билан музокараларда эмас, бошқа давлатлар делегациялари ва вакиллари билан учрашувларда ҳам, шунингдек, халқаро анжуманларда, конференцияларда ҳам Афғонистон муаммосини ўртага қўймоқдамиз.

Покистон Бош вазири Беназир Бухутто хонимнинг ноябрь ойидаги расмий амалий ташрифи чоғида у билан олиб борилган музокараларда шу мавзу асосий ўринни эгаллади.

Афғонистонда тинчлик жараёни хусусида Ўзбекистоннинг қатъий йўлини мен бир неча бор, жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгашида баён қилиб берган эдим.

Бу масаланинг ғоят муҳимлигини ҳисобга олиб, сизларга бу борадаги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган жиҳатларни эслатиб ўтмоқчиман. Бунингсиз можарони тинч ҳал этиш қийин кечади. Булар:

— можарони босқичма-босқич бартараф қилиш;

— музокара жараёнида барча манфаатдор томонларнинг иштирок этиши;

— ўзаро ён босиш ва оқилона ўзаро келишув асосида нуқтаи назарларни бир-бирига яқинлаштириш;

— бу жараёнда БМТ, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳомийлиги ва фаол иштирок этиши;

— мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақлаб қолиниши;

— қандай шаклда бўлмасин ташқаридан тазйиқ ёки аралашувга йўл қўйиб бўлмаслигидир.

Ниҳоят, биз бир неча йилдан буён такрорлаётган масала: **Афғонистонга қуроляроғ етказиб беришни қатъий тақиқлаб қўйиш зарурлигидир.**

Мазкур чораларни можарони бартараф этишнинг асосий жиҳатлари деб ҳисоблаб, мен БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясида Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, Афғонистонга қайси мамлакатдан бўлмасин қурол-яроғ олиб келишни тақиқлаб қўйишни таклиф этдим.

Афсуски, бу мамлакатга етказиб берилаётган қуроляроғ ҳажми камаймаяпти, аксинча, тобора кўпайиб бормоқда.

Афғонистон ва унинг теварагидаги вазият сўнгги вақтда айниқса хавфли тус олмоқда. Бу ҳудудда турли сиёсий кучлар ва мамлакатлар жўғрофий-стратегик манфаатларининг ошкора тўқнашуви тобора равшан бўлиб бормоқда.

Хонимлар ва жаноблар,

зўр куч сарфланаётганига қарамай, афғон халқи ҳамон қонли воқеалар исканжасида қолмоқда. Шу боис можарони бартараф этишнинг асосий чораси сифатида Афғонистоннинг ўзида умуммиллий ярашув зарурлигига эътиборни қаратишгина энди етарли эмас.

Минтақавий — этник омилларнинг қоришмаси ва афғон сиёсатчиларининг ҳокимият учун олиб бораётган курашининг аниқ сабаблари бу ерда **бузғунчилик тамойилларининг** шаклланишига олиб келди. Ҳозирги вақтда Афғонистон теварагида жойлашган барча мамлакатлар маълум даражада бу тамойил таъсирини сезмоқда.

Яқинда, яъни 25 декабрда совет кўшинлари Афғонистонга киритилганининг навбатдаги ачинарли санаси бўлди.

Биз қурбонлар тўғрисида, аввало, одамларнинг, собиқ Совет Армияси аскарларининг ҳалок бўлгани ҳақида гапирганимизда Афғонистон миллионлаб кишилардан жудо бўлгани, бу жафокаш халқ бошига тушган вайронагарчиликларни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Вақт ўтиши билан тарихни, афғон фожиаси вужудга келиши сабабларини унута бошладик. Менимча, собиқ Иттифоқнинг буюк давлатчилик нафсонияти Афғонистондаги вазиятни портлатиб юборган детанатор бўлганини унутмаслигимиз керак. Ҳозир ҳам, бизнингча, ташқаридан бўлаётган аралашув Афғонистондаги қарама-қаршиликни авж олдириб, уруш оловини ловуллатмоқда.

Можаро авж олган жойга бевосита яқин бўлган бошқа давлатлар каби Ўзбекистон ҳам ўз хавфсизлигини таъминлашда қонуний манфаатларини ифода қилишга ҳақлидир.

Ҳозирги кунда Афғонистонда яхши таълим кўрган мунтазам армиялар урушмоқда, уларнинг сафларида ёлланган жангчилар кўп. Шу сабабли, Афғонистондаги уруш инсон фаолиятининг ўзига хос янги тури бўлиб қолди. Шу фаолият доирасида давлатларни вайрон қилиш бўйича «мутахассислар» вужудга келмоқда.

Афғонистон танглигига кўшилиб кетган **бангфурушлик, террорчилик, зўравонлик, қурол-яроғ билан савдо қилиш, афғон жамиятида тинч ҳаёт ва бунёдкорлик ҳақида тасаввурга эга бўлмаган бутун бир авлоднинг вужудга келгани, буларнинг ҳаммаси умумжаҳон муаммосидир.**

Ҳозирги пайтда Афғонистон муаммосини амалий тарзда ҳал этиш йўлларини излаш билан боғлиқ масалалар жаҳон ҳамжамиятининг, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг диққат марказида туриши, жаҳон давлатлари эътибори қаратиладиган аниқ объект бўлмоғи керак.

Бу масалалар инсониятни Босниядаги уруш ёки Араб-Исроил можароси каби ташвишга солиши лозим. Жаҳон ҳамжамияти Европа марказида ва Яқин Шаркда энг мураккаб ва сурункали можароларни бартараф этишга қобил эканини намойиш қилди-ку, ахир.

Ҳозир биз жаҳон давлатларини Афғонистонда давом этаётган уруш туфайли бутун дунёда юз бериши мумкин бўлган жиддий оқибатларга эътиборни қаратишга даъват этишга ҳақлимиз.

Афсуски, яқин атрофдаги мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам буюк давлатлар эътиборини, кучлари ва имкониятларини жалб этишни хоҳламаётганини таъкидламоқчиман. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Афғонистондаги ҳозирги аҳвол баъзи бировларга маъқул бўлмоқда.

Афғонистон — яхлит давлат. Бу ердаги қарама-қарши кучларнинг ўзаро кураши фақат сиёсий парчаланишга ва давлатнинг вайрон бўлишига олиб бориши мумкин. Аслида эса, давлатни қайтадан тиклаш Афғонистон бўйича тинчлик режасининг муҳим жиҳати бўлиши керак. Бу мақсадга эришиш осон эмас. Бунинг учун буюк давлатлар ва минтақадаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракати, Афғонистон раҳбарларининг сиёсий иродаси зарур.

Афғонистонда уруш давом этаётган экан, минтақадаги барқарорлик хавф остида қолаверади, буни Марказий Осиёда яхши билишади. Бу шароит демократия ва ислоҳотларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, бутун минтақанинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини қисқартирмоқда.

Хонимлар ва жаноблар,

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири — **ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти** — эндиликда экологияни ҳисобга олиб ривожлантиришга қадар кенгайтирилиши мумкин.

Тўғри, бу вазифа ҳали пухта ўрганишни ва аниқ ҳисоб-китобларни талаб қилади. Аммо бу жабҳада янги иқтисодий стратегияни белгилаш зарурлиги равшан бўлиб қолди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Нукусда ўтказган Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор тараққиёти бўйича халқаро конференция чоғида бундай стратегиянинг зарурлиги айниқса таъкидланди.

Орол муаммоси бутун инсониятга дахлдор бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ва экологик беқарорликнинг асосий сабабидир. Мен Нукус учрашувидан мамнунман. Унинг якунлари Орол муаммосини умумбашарий тараққиёт бўхронининг бир бўлаги деб қараш бошланди, деб умид қилишга имкон беради.

Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳам Тошкентда ва Урганчда атроф муҳитни қайта тиклаш бўйича семинар ташкил қилиб, Орол муаммосини ҳал қилиш йўлларини излашга кўшилди. Бу анжуманда ЕХҲТ Бош котиби жаноб Хойнкнинг шахсан иштироки семинарнинг муваффақиятли ўтишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Бунга Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг алоқалар бўйича минтақавий бюроси очилгани ҳам ижобий таъсир қилди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг барча соҳаларида ва аввало, ҳозир жаҳонда вужудга келаётган кенг маънодаги Европа Хавфсизлигининг ишончли тизимини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон ҳукумати бундан буён ҳам **мазкур халқаро ташкилот билан яқиндан ҳамкорликда ишлашга қатъий ахд қилганини** яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Муҳтарам меҳмонлар эътиборини яна бир санага жалб қилишни истардим.

8 декабрь куни республика ахли Конституциянинг уч йиллигини нишонлади. Биз учун Конституциянинг қабул қилингани ҳам, Асосий Қонуннинг мазмуни демократик ва халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос деб баҳолангани ва эътироф этилгани ҳам ғоят муҳимдир.

(Давоми 2-бетда).

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК – ЭНГ ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Конституцияси — жамиятда демократия ривожланиши ва инсон ҳуқуқларига риоя қилинишининг кафолатидир.

Бу масалада адолат тикланиб, **ахборот воситалари томонидан баҳо беришда ёндашувларнинг ўзгараётганини ҳам таъкидлаш муҳимдир.** Мамлакатдаги ҳақиқий вазият ва ишларнинг аҳволи билан танишилгани сари, Ўзбекистон жаҳонга тобора намоён бўла боргани сари баҳо беришдаги субъективизм камайиб бормоқда.

Бу сўзларимни тасдиқлаш учун яқинда республикамизга келган «Хьюман райтс вотч» делегацияси фикрини келтириш жоиздир. Бу делегацияга жаноб Фонтон бошчилик қилган эди.

Ўзбекистонга келган экспертлар сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, миллий маданият марказлари, диний ташкилотлар вакиллари билан бир қанча учрашувлардан сўнг бу мамлакатда **«Инсон ҳуқуқлари бузилаётгани тўғрисида олинаётган ахборотлар ҳақиқатдан йироқ»,** деб эътироф этдилар.

Хонимлар ва жаноблар, мен сизларни бу масалада Ўзбекистон ҳаммага намуна бўладиган давлат деб ишонтиркочи эмасман. Аммо биз воқелигимизга холисона баҳо беришларини талаб қилишга ҳақлимиз.

Ҳурматли меҳмонлар, учрашувларимизда вужудга келган анъанага мувофиқ Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари ривожланаётгани ва мустаҳкамланаётгани ҳақида қисқача сўзлаб беришга руҳсат этгайсиз.

БМТнинг юбилей сессиясига борган пайтимизда АҚШ вице-президенти жаноб Альберт Гор билан учрашдик. Бир ярим соат давом этган ошкора суҳбат чоғида минтақа ва жаҳон миқёсидаги энг муҳим муаммолар, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдик.

Биз тилга олган мавзулар америкалик бизнесменлар ва молия ходимлари билан музокаралар чоғида қўллаб-қувватланди. «Чейз манхеттен банк» ва «Америкэн интернешнл групп» вакиллари ва бошқалар билан учрашув жуда самарали бўлди.

Ўзбекистон — АҚШ ўзаро қизиқишлари мамлакатларимиз тадбиркорлари учун тенг фойда келтирадиган тарзда амалда рўёбга чиқишидан манфаатдормиз.

Иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни **ривожлантириш суръатлари тезлашиб бормоқда.** Декабрь ойида Савдо вазирлиги котибининг ўринбосари жаноб Картер бошчилигида 16 та йирик компаниянинг вакилларидан иборат делегация Ўзбекистонда бўлди.

Делегация АҚШ Президенти жаноб Билл Клинтоннинг мактубини топширди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон—Америка ҳамкорлиги битта аниқ йўлни — бизда ги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашни ва икки томонлама алоқаларни чуқурлаштиришни кўзда тутади. Шимолий Америкадаги яна бир катта мамлакат — **Канада** билан ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий негизи шаклланиши жараёни давом этмоқда.

Декабрь ойида «Икки ёқлама солиқ солишни истисно этиш ҳақида»ги битим маъқулланди. Мамлакатларимизнинг мутахассислари «Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида» ва «Сармояларни ҳимоя қилиш ҳақида»ги шартномаларни тайёрлаш борасида ишламоқда.

Ташқи сиёсатимизнинг Европа йўналишини ҳам ана шундай қатъият билан ривожлантирмоқдамиз. **Европа ҳамжамияти** билан алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Октябрь ойида Женевада **«Ўзбекистонда хусусийлаштириш: ҳамкорлик учун имкониятлар» мавзусида** конференция бўлиб ўтди.

Ноябрь ойида **Лондонда ўтган «Ўзбекистонда бизнес» конференциясида** иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинди.

1996 йилда Ўзбекистонда Британия Кенгаши бўлими ишлай бошлайди. Биз буни Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб **Буюк Британия элчиси Барбара Хей хонимга** Британия кенгаши билан алоқа ўрнатишда шахсан иштирок этгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ўтган тўрт ой давомида **Буюк Британия, Германия, Греция, Венгрия, Польша, Литва, Латвия** делегациялари расмий ва амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Ноябрь ойида Тошкентда Словакия Республикасининг Бош консулхонаси иш бошлади. Ўзбекистонда Польша Республикасининг элчихонасини очиш тўғрисида аҳдномага эришилди.

Европа давлатлари билан алоқаларимиз мустаҳкамланаётганини Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг **ГФР**га ташрифи ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Немис дўстларимиз билан учрашувларимиз ҳамиша алоҳида самимият билан ўтади. Германия раҳбарлари, парламент аъзолари, дипломатлар, тадбиркорлар, олимлар янги самарали ижодий ғояларни собитқадамлик билан излашмоқда. Мамлакат юксалиб бормоқда. Бу мамлакат Ўзбекистон билан ғоят кенг алоқалар ўрнатишга интилмоқда.

Германия биз учун ишончли стратегик шерик эканлигига узил-кесил амин бўлдик. Унинг Европадаги обрўси ва Ўзбекистонга манфаатдорлик муносабати бизнинг Европа тузилмаларига кириб боришимизга кўмаклашмоқда.

Ўз навбатида Германия томони фақат давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини эътиборга олаётгани йўқ. Германияга бўлган бу ташрифнинг аҳамияти шундаки, ҳамкорлигимизнинг янги йўналиши вужудга келди.

Штутгартда бўлиб ўтган **«Буюк ипак йўли мероси: Ўзбекистон»** кўргазмаси маънавий соҳада биргаликда ҳаракат қилиш муддаосини намойиш этган воқеа бўлди.

Маълумки, маданий ҳамкорлик имкониятлари чексиз. Ўзбекистон—Германия маданий ҳамкорлиги бутун дунё учун Европа ва Шарқ маърифати ўртасидаги алоқаларни уйғунлаштириш намунаси бўлишига ишонаман.

Европа мамлакатлари Марказий Осиё минтақасида катта имкониятлари бўлган бозорнигина эмас, шу билан бирга ақл-зиё соҳасида Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва салоҳиятини ҳам кўра олишларини, бизнинг қадимий маданиятимизга ва жаҳон маърифатини ривожлантиришга қўшган ҳиссамизга баҳо бера олишларини хоҳлар эдим.

Хонимлар ва жаноблар,

Қирғизистон Президенти Аскар Акаев билан Андижонда ўтказилган музокараларимизда Марказий Осиё муаммолари ва икки томонлама муносабатларимизнинг ҳозирги ҳолати муҳокама қилинди.

Декабрь ойида Жамбулда ўтган уч томонлама учрашув ҳам жуда самарали бўлди. Унда аввало иқтисодиёт соҳасида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ягона иқтисодий маконимиз ҳали мукаммал эмас. Лекин Нурсултон Назарбоев ҳам, Аскар Акаев ҳам, Ўзбекистон раҳбари — мен ҳам бундан бошқа йўл йўқлигини тушунаётганимиз муҳимдир.

Давлатларимиз ва одамларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларимиз даражаси шундайки, у ҳар қандай бўҳтонларни осонлик билан бартараф эта олади. Назарбоев билан Каримов ўртасидаги «лидерлик муаммоси» деган гапларни мен ана шундай туҳмат деб биламан.

Россия оммавий ахборот воситаларида мунтазам пайдо бўлаётган бу уйдирмалар аниқ сиёсий мақсадни — Марказий Осиё бирлиги жараёнини қийинлаштиришни кўзда тутади. Биз буни тушунамиз ва «муаммо» муаллифлари ҳаракатлари беҳуда кетишини англаб етишларини хоҳлаймиз.

Хонимлар ва жаноблар,

биз қатъий ишонамизки, **Марказий Осиёдаги барқарорлик ва унинг келажаги Россиядаги демократиянинг даражасига ва сифатига боғлиқ.** Шу сабабли мен Борис Николаевич Ельцинга сиҳат-саломатлик тилаш билан бирга Давлат Думасига сайлов якунларидан қатъи назар, Ўзбекистонда Россиянинг ислоҳотлар ва демократия йўли ўзгармаслигига қатъий ишонишларини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Россия Давлат Думасига сайлов якунлари тўғрисида гапирганда мен шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, сайловда коммунистларнинг нисбий ютуғини олдиндан кўра билиш мумкин ва лозим эди. Бизнингча, Россияда ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйилган нуқсонлар ва жиддий хатолар коммунистларнинг ижтимоий сафсатабозлиги учун жуда яхши баҳона бўлди. Айни сафсатбозлик коммунистлар учун асосий анъанавий сиёсий қуролдир.

Россия қўшниларининг иқтисодий жиҳатдан кучли бўлишидан манфаатдордир, албатта. Шу оддий мантиққа мувофиқ Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконнинг вужудга келиши ва ривожланиши Россиянинг манфаатларига зид эмас, Россиянинг фаровонлиги кўп жиҳатдан МДҲдаги шерикларига боғлиқ.

Ўзбекистон — Қозоғистон — Қирғизистон иқтисодий ҳамкорлиги қўшма лойиҳаси очиқ ва мунтазам равишда аниқ ғоялар билан тўлиб бормоқда.

Биз вақти келганда интеграция жараёнларининг боришини тартибга соладиган умумий Марказий Осиё органларини барпо этиш тўғрисида қатъий келишиб олдик. Бош вазирлар кенгаши бунинг мисолидир.

Иқтисодий тузилмаларга келганда эса, фақат давлат маблағини эмас, шу билан бирга хусусий капитални ҳам тўплайдиган Марказий Осиё банки барпо этилди ва ишлай бошлади.

Айни пайтда коммуникацияларни қуриш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришдик.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон **БТМнинг захира кучлари сифатида коллектив тинчликни сақловчи батальонни тузиш тўғрисидаги битимни** имзолади.

Яқин қўшничилик мантиқи Туркманистон ва Тожикистон ҳукуматларига Марказий Осиё интеграция жараёнига тезроқ қўшилишни тақозо этмоқда. Жамбул учрашуви Марказий Осиёдаги уч республика давлатлараро муносабатлари ҳамжиҳатлигини янада кучайтирди.

Хонимлар ва жаноблар,

Марказий Осиёдаги тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик бизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор мақсадларимиздир.

Ўзбекистон барча минтақалар билан, жаҳондаги ҳамма мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон 92 давлат билан икки томонлама муносабат ўрнатган. Биз бу ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаб, Ўзбекистонни тенг ҳуқуқли сиёсий ва иқтисодий шерик деб биладиган барча давлатлар билан муносабатлар ўрнатишга тайёрмиз.

Араб мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимизнинг мазмуни ҳам ана шундай.

Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик жаҳонда тобора кўпроқ ҳурматга сазовор бўлмоқда. **Ислом конференцияси ташкилоти Ўзбекистонни кузатувчи сифатида ўз сафига қабул қилиб, унинг ишончли ва масъулиятли шерик эканини муносиб баҳолади.**

Ўзбекистон—Миср муносабатлари ривожланмоқда. Иқтисодий ва маданий ҳамкорлигимиз тобора кенгайиб, ўрнатилган икки томонлама муносабатлар ҳар иккала томон учун фойдали эканини тасдиқламоқда.

Сўнгги вақтда бу муносабатлар ташқи сиёсат маҳкамаларининг мустаҳкам алоқалари билан тўлдирилди.

Ноябрь ойида **Ар-Риёдда элчихонамиз расмий равишда очилди.** Биз Саудия Арабистони ҳукуматининг **яқин вақт ичида Тошкентда элчихона очиш** тўғрисидаги қарорини табриклаймиз.

Сентябрь ойида парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш доирасида мамлакатимизга Қувайт давлати парламент делегацияси ташриф буюрди.

Осиё-Тинч океани минтақаси билан ўзаро муносабатларимиз жўшқинлиги билан ажралиб туради. **Япония билан алоқалар мустаҳкамланмоқда.** Иқтисодий соҳадаги ютуқлар айниқса яққол кўзга ташланади. Бу соҳада иқтисодий ҳамкорлик масалаларини мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган Ўзбекистон—Япония ва Япония—Ўзбекистон қўмиталари йўли билан кўп иш қилинмоқда.

Сентябрь ойида Япония ҳукумати ва савдо-саноат доиралари вакилларидан иборат делегация билан учрашдик. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ахборотларни кенг айирбош қилиш ҳамкорлик дастури истиқболли ва ҳаётий бўлишини таъминлайдиган омиллардан биридир.

Ўзбекистон—Япония муносабатларининг алоҳида хусусияти бор. **Бу мамлакат маданиятимизни ривожлантиришга беғараз маблағ сарфламоқда.**

Бу инсонийликни кўрсатувчи хусусият бўлса керак.

Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларимиз юксалмоқда. Октябрь ойида Хитой коммунистик партияси МК доимий қўмитасининг аъзоси жаноб Ху Цзинтао Ўзбекистонга келди. Кенг доирадаги масалалар кўриб чиқилди. Ҳозир илмий-техника ҳамкорлиги бўйича Ўзбекистон—Хитой ҳукуматлараро комиссияси тузиш масаласи ўрганилмоқда.

Ҳинди—Хитой давлатлари билан ҳам муносабатларимиз фаол давом этмоқда. Сентябрь ойида Камбоджа қироллиги билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Таиландда бош консулхона очдик.

Вьетнам Социалистик Республикаси билан имзоланган самолётлар қатнови тўғрисидаги битим август ойида кучга кирди.

Ўзбекистон—Жанубий Корея алоқаларининг ривожланиш суръати, уларнинг мазмуни бизни хурсанд қилмоқда. ДЭУ ва Самсунг каби дунёга машҳур компанияларнинг филиаллари Ўзбекистон иқтисодиётига жуда яхши қўшилди ва маҳсулот бера бошлади. Шу кунларда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги **Сеулда элчихона очишга** тайёргарлик кўрмоқда.

Хонимлар ва жаноблар,

келгуси йилнинг январь ойида МДҲ давлат бошлиқларининг мажлисини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Москвада иқтисодий иттифоқнинг доимий ҳаракатдаги органи — давлатлараро иқтисодий қўмита иш бошлади. Бу ҳамдўстликнинг иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш учун замин яратадиган дастлабки ишчи органидир. Шу билан бирга МДҲнинг барча иштирокчилари ҳамдўстликнинг ҳаётийлигини синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Идоралараро даражадаги муносабатлар сезиларли жонланди. Хусусий фирмалар ўртасидаги хўжалик алоқалари янгича тус олмоқда.

Айни пайтда МДҲ самарадорлигига унга сиёсий тус беришга, уни ҳарбий-сиёсий мақсадларга қаратишга, олдинги хўжалик алоқаларини қайта тиклаш учун фойдаланишга уринишлардан путур етмоқда.

Ишончим комилки, мутлақо янгича ишлаб чиқариш занжирлари барпо этилсагина МДҲ самарали бирлашмага айланади.

МДҲ тақдири тўғрисида икки томонлама алоқалар чоғида ҳам ҳамиша гаплашамиз. Тошкентда Россия, Молдова, Украина ва Грузиядан келган шериклар билан учрашув чоғида ҳам шу ҳақда гап борди.

МДҲ тўғрисида гапирганда шуни таъкидлаш керакки, биз МДҲ доирасида ҳам икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашни афзал деб биламиз. Уларнинг орасида Россия шубҳасиз биринчи ўринда туради.

Россиядаги сайлов кампанияси Россия давлатининг ташқи сиёсат йўлига муайян даражада тааллуқли бўлган жуда кўп баёнотлар эълон қилиш билан ўтди. Биз бунга бефарқ қарай олмаймиз.

Мен Жамбулда айтганимдек, яна бир бор такрорлайман: биз Россия кучли ва демократик давлат бўлишини хоҳлаймиз. Бу масалада Борис Николаевич Ельцин Ўзбекистонга қатъий ишонаверсин. Расмий сайлов тадбирлари арафасида СССРни қайта тиклаш жараёнини тиқиштиришга уринишлар хусусида Борис Николаевич Ельциннинг айтган гаплари собиқ Совет Иттифоқи ҳудуди тақдири учун ҳал қилувчи фикр деб биламан. Мен Россия Президентининг «собиқ Иттифоқни қайта тиклаш фожиага айланиб кетади» деган гапига тўла қўшиламан.

Ҳурматли меҳмонлар, Ўзбекистон—Украина муносабатларида биз вужудга келган стратегик йўлга содиқ бўлиб қолаверамиз. Украинанинг мустақиллиги, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий барқарорлиги янада мустаҳкамланишига, Украина ислоҳотлар янгиланишлар йўлидан боришига қатъий ишонамиз.

Президент Э. А. Шеварднадзенинг Ўзбекистонга биринчи ташрифини алоҳида таъкидламоқчиман. Ташриф чоғида икки томонлама муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди, узоқ муддатли муносабатларимиз асосларини вужудга келтирадиган кўп ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, транспорт алоқаларини ривожлантиришга доир аниқ таклифлар кўриб чиқилди.

Хонимлар ва жаноблар,

янги 1996 йил эшик қоқмоқда. Янги йил билан бирга эшикларимиздан халқларимизнинг эзгу орзуси тинчлик ва барқарорлик, осойишталик ва равнақ кириб келсин.

Барчангизни Янги йил билан табриклайман.

Ўзбекистон ХДП вилоятлар кенгашлари пленумларида

МАРД АЙБНИ ЎЗИДАН АХТАРАР

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши пленуми янги — 1996 йил бўсағасида бўлиб ўтди.

Пленум кун тартибида битта масала — Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлар Кенгашлари сессияларидаги нутқларидан Бухоро вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифаларини белгилаб олиш. Маълумки, юртбошимиз ушбу вилоятларда ислоҳотларнинг боришини чуқур таҳлил этди, раҳбарларнинг фаолиятига холисона баҳо берди. Бу ерларда уларнинг бориши турли тўсиқларга дуч келиб, давр талабларидан орқада қолмоқда. Конституция ва қонунларга тўлалигича риоя қилинмаяпти. Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилиши қониқарсиз аҳволда, раҳбарларнинг халқдан ажралиб қолиш ҳолатлари юз бермоқда.

Буларнинг Бухоро вилоятига, ХДПнинг маҳаллий ташкилотлари ва аъзоларига ҳам дахли бор эканлиги шак-шубҳасиздир. Чунки, бу ерда ривожланиш жараёнида онда-сонда учрайдиган жузъий нуқсонлар устида эмас, балки бутун мамлакатимиз тараққиётига тўғаноқ бўлаётган жиддий муаммо, камчиликлар устида бораётир. Шу муносабат билан И. А. Каримовнинг Олий Мажлис тўртинчи сессиясидаги қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир:»Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашларининг сессияларида айтилган барча гаплар қолган вилоятларга ҳам тегишли эканини ҳамма англаши керак. У ерда очиқ-ойдин айтилган бемазагарчиликлар республиканинг аксарият туманларида ҳам учрайди». Қолаверса, давлатимиз раҳбари ўтган йил мартида Бухорода бўлганида, бу ерда ислоҳотларнинг «сust бориши», «нохуш ҳолатлар», «номақбул ишлар кўзга ташланаётганлиги» ҳақида ташвишланиб гапирган эди.

Тўғри, шундан бери Бухоро вилоятида юртбошимиз кўрсатган камчиликларни бартараф этиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик, ўрта, хусусий ва қўшма корхоналарни ташкил этиш, қўшимча иш жойларини вужудга келтириш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича бирмунча ишлар қилинди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам олдинга қараб силжишлар рўй беряпти. Буларда ўз сафларига 23 минг нафардан зиёд ХДП аъзоларини бирлаштирган вилоят партия ташкилотларининг ҳиссаси борлиги, шубҳасиздир.

Аммо, мавжуд нуқсонларни бир сакрашда тугатиш, Президентимиз қўйган вазифаларни қисқа муддатда батамом ҳал этиш мушкул иш. Боз устига, муаммонинг бирини ечсанг, иккинчиси пайдо бўлади. Шу боис, ютуқларга маҳлиё бўлиш, хотиржамликка берилиш зиён етказади. Минг афсуски, мана шу оддий ҳақиқатни Бухорода унутиб қўйишмоқда. Оқибатда, вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, эҳтиёжманд кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишида талайгина муаммо ва нуқсонлар йиғилиб қолди. Чунончи, бу ерда рўйхатга олинган 700 тадан зиёд кичик корхона ўз фаолиятини тўхтатган. Когон, Вобкент, Олот, Шофиркон туманларида чорва қишловига етарли тайёргарлик кўрилмаганлиги натижасида гўшт ва сут етиштириш камаймоқда.

Бундай вазият,табиийки, ҳаммани ташвишлантиради. Жамиятимизнинг нуфузли сиёсий кучи, мамлакатимиз Олий Мажлисида депутатларнинг энг йирик партиявий фракциясига эга, вакиллари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ноибларнинг катта қисмини ташкил этувчи Ўзбекистон Халқ демократик партияси жойларда юз берган аҳволдан четда туриши мумкинми? Асло! Шу сабабли, Бухоро вилоят партия ташкилотлари ҳам ўз минтақаларидаги умумий вазият учун тўғридан-тўғри, бевосита жавобгардирлар.

Дунё маданияти ва илмига, мусулмон маънавияти хазинасига буюк ҳисса қўшган Бухорои шариф заминида ХДП ишига берилган, бутун билими, кучи, тажрибасини унинг дастурий ғояларини рўёбга чиқаришга, Президентимизнинг ислоҳотлар сиёсатини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшаётган, иймон-эътиқодли, заҳматкаш инсонлар жуда кўп. Бироқ, Бухоро вилояти партия ташкилоти катта салоҳият, бой имкониятлар мавжудлигига қарамай, бу ердаги камчиликлар ва нуқсонларнинг олдини олиш, бартараф этишга давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига етарлича кўмак бермаяпти.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ж. Нуруллаевнинг маърузасида, музокараларда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Шофиркон туман кенгаши биринчи котиби Ш. Тошев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси биринчи котиби А. Хидиров, вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Баҳронова, Вобкент туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси ўринбосари, хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби Ҳ. Муҳитов, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари С. Қодировалар-нинг нутқларида юқоридаги саволга жавоб топишга ҳаракат қилинди. Партиямиз ташкилотлари, биринчи навбатда, вилоят партия кенгаши фаолиятида, дейилди пленумда, ташаббускорлик кўринмаяпти, масъулият сезилмаяпти, дадиллик, жавобгарликни бўйинга олиш иродаси етишмаяпти, ички партиявий интизом сусайиб, ғайрат билан ишлаш ўрнига баҳона қидиришга рўжу қилинмоқда, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат ниҳоятда бўшашиб кетган.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми барча даражадаги партия кенгашлари зиммасига ҳудудий ташкилотларни тузиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш вазифасини юклаган эди. Орадан бир йил ўтди. Пленум кўрсатмаси Бухорода қандай бажарилмоқда? Афсуски, қониқарсиз. Кўпгина вилоят кенгашлари, айниқса, Андижон, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари партия ташкилотлари бу борада салмоқли ютуқларни қўлга киритаётган пайтда, бухороликларнинг имиллашини, вилоятдаги ХДП аъзоларининг атиги 18 фоизи ҳудудий партия ташкилотлари ҳисобида туришини нима деб изоҳлаш мумкин?! Гап сонда эмас. Шу ўринда Бухоро партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига ўтказилган сайловлардаги иштирокига тўхталиб ўтиш жоиздир. Ўшанда мамлакатимиз парламентига вилоятдаги 14 та сайлов округидан партиямиздан номзодлар кўрсатилди. Улар орасида зиёлилар, ишчию-хизматчилар, партия етакчилари бор эди. Бироқ, уларнинг биронтаси ҳам 1994 йилнинг 25 декабрида сайланган сиёсий партияга таяна билиши даражаси билан ҳам ўлчанади.

1996 йил ҳам кириб келмоқда. У мамлакатимиз тарихи солномасига юксалиш йили сифатида киришга даъват этилган. Демак, кўзланган улуғвор мақсадлар партиямиз ҳар бир аъзоси, жамиятимиз ҳар бир фуқароси, ҳар бир раҳбаридан янада қатъият билан ишлашни, қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишни талаб қилади. Бу ҳам ўзига яраша синов. Пленум вилоят партия ташкилотлари 1996 йилда ўз сафларини ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаб, ушбу имтиҳондан муваффақиятли ўтадилар, бухороликларга муносиб бўлган мавқе ва нуфузларини яна тиклаб оладилар, деб ишонч билдирди.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов, вилоят ҳокими М. Раҳмонов нутқ сўзладилар.

***

Ўзбекистон ХДП Навоий ва Жиззах вилоят кенгашларининг ҳам пленумлари бўлиб ўтди. Уларда юртбошимиз И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларидаги нутқларидан мазкур вилоятлар партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари кўриб чиқилди. Вилоят партия кенгашларининг биринчи котиблари: Навоийда— Д. Воҳидов, Жиззахда— Г. Субхонова маъруза қилдилар. Навоий вилояти партия кенгаши пленумида Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси раиси У. Тургунов, Жиззах вилояти партия кенгаши пленумида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири К. Жуманиёзов сўзга чиқдилар. Уларнинг ишида Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Ш. Чилгашев иштирок этдилар.

Э. ХЎЖАЕВ.
Ҳ. ФАХРИДДИНОВ,
Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари.

BUTTERFLY PRESSURE COOKER
GANGADHARAM APPLIANCES LIMITED

Бош ваколатхона:
Тошкент-700077
Буюк Ипак йўли кўчаси, 71,
103, 104-хоналар.
Тел: 67-64-86
Fax: 68-88-34.

Butterfly
Group of Companies

"Butterfly Group of Companies" фирмаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ
жаноби олийларини ва бутун ўзбек халқини
Янги — 1996 йил билан самимий қутлайди.
1996 йил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида
кескин ижобий бурилиш йили бўлиб қолишига
УМИД ҚИЛАДИ.

BUTTERFLY PRESSURE COOKER
GANGADHARAM APPLIANCES LIMITED

"Ист Баттерфлай"
қўшма корхонаси
Тошкент-700077,
Эркин Марайимов кўчаси-117.
Тел: 67-58-42
Faxc: 67-62-30

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки жамоаси
Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини,
мамлакатимиз халқини

1996

Янги йил айёми билан чин қалбдан муборакбод этади.

1996 йил
ҳаммамиз учун
эзгу бахт-саодат
келтиришига аминмиз.
Зеро, янги йил барчамиз учун
Истиқлол йўлида астойдил
енг шимариб меҳнат қиладиган ва
буюк келажагимизни бунёд этиш йўлида
қўйилган яна бир қадам бўлиб,
мустақил мамлакатимиз тарихида янги
зарварақ очажак!

Азизлар,
1996 йил
барчангизга
омад ва бахт келтирсин!
Рўзғорингиз бут, дастурхонингиз
тўкин бўлсин!
Юртимиз асрлар оша мустақил ва
бой давлат бўлиб яшайверсин!
Кўпминглик Халқ банки жамоаси
элим деб, юртим деб, ёниб
яшаётган халқимизга
янги йилда сидқидилдан
камарбаста бўлади!

Бизнинг манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (3712) 45-35-44, 45-35-63.
Факс: (3712) 45-35-52

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

"ТУРОН"
ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ

ўз ватандошларини, ҳамкорлари ва мижозларини
Янги — 1996 йил билан
табриклайди!
Барчага сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаймиз.

"ЎЗ-ЭЛЛАС"
Ўзбекистон - Греция
қўшма корхонаси

Ҳар хил гугуртларни сотади. Пулни турли усулда тўлаш мумкин, векселлар ҳам қабул қилинади.
"ЎЗ-ЭЛЛАС" Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси гугурт фабрикасига ускуналарни созловчи малакали мутахассислар, механиклар, операторларни
ишга қабул қилади.
Меҳнатга ишбай-мукофотли ҳақ тўланади, ишлаган йиллар учун қўшимча ҳақ берилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани,
Жанубий саноат зонаси, 75-автобуснинг
охирги бекати. Гугурт фабрикаси.
Телефонлар:
58-68-66,
58-67-37.

БЎЙИ КЎРИНГАН ИЖОДКОР

Ҳайдар Муҳаммаднинг ўнлаб шеърий тўпламлари, қатор драматик асарлари эълон қилинган. Яқинда ёзувчининг яна бир «ҲАЗИЛКАШ ШОҲ» деб номланган китоби чоп этилди. Унинг сўзбошисида севимли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг қуйидаги фикрлари келтирилган: «Ҳайдарнинг ўз тингловчиси, ўз ўқувчиси, ўз томошабини бор. Бу ҳар ижодкорнинг қўлига қалам олган кунидан бошлаб дилига тугиб қўйган орзусидир. Шу орзу аста-секин бўлса ҳам ушалиб келяпти. Ҳар ҳолда Ҳайдар бугунги қалам аҳли орасида бўйи кўриниб қолган ижодкордир».



Дарҳақиқат, Ҳайдар Муҳаммад драмалари намойиш этилмаган бирон-бир театрни топиш қийин. Унинг «Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома», «Кўнгил — чинни пиёла», «Тошкентнинг нозанин маликаси» номли саҳна асарлари томошабинлар орасида анча машҳур.

Сўзларингга севгилим,
ташнадир кўнглим менинг,
Меҳр оқувчи сен томон
чашмадир кўнглим менинг...

Эсладингиз-а, қайси ҳофиз ижросида кўнгилларга ёруғлик олиб кирган қўшиқ кимнинг қаламига мансуб эканлигини. Ҳа, бундай ўтли сатрлар биз сўз юритаётган ижодкорнинг дил дафтаридан бир шингил. Уларнинг қай бирини келтирайлик? «Тоғлик қиз», «Дилбарминасан», «Хатларим етмасмикан?»Ёзган хатинг қўлимда» сингари дилбар қўшиқ оҳанглари қай бир юракка ором бағишламаган дейсиз.

Эҳтиром

Дарвоқе, ижодкор ҳақида биз фақат унинг тўй ёки юбилейида яхши, самимий гап айтишга ўрганганмиз. Йўқ, аслида эса қай бир ижодкор бўлмасин у ҳақда яхши асари эълон қилинган куни кўнгил тилакларини айтиш керак экан. Ана шунда адабиёт ҳам, санъат ҳам кўпроқ қадрлироқ бўларди.

Лоф эмас, Ҳайдар Муҳаммад ижодида катта салмоққа эга бўлган драматик асарлар ҳар гал саҳнага қўйилганда айтилган бир илиқ сўз ёки мухлисларнинг ҳаяжонли қарсаклари унинг номига айтилган дил изҳорларидир.

Суннатилла РИЗАЕВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси.
Барот ЯРАШЕВ,
Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ЙИЛНОМАСИ

Бошқотирма

Азиз муштарий! Мамлакатимиз тарихида содир бўлган қуйидаги воқеалар йилларини топиб, шаклда белгиланган хонадан ҳарф атрофига соат мили йўналишида ёзинг.

А — Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашида мамлакатимиз биринчи Президенти сайланган йил. Б — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги эълон қилинган йил. В — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган йил. Г — Юртимизда қачон Аҳмад Яссавий йили ўтказилди. Д — Ўзбекистон ўз миллий валютасини муомалага киритган йил. Е — Тошкентда Марказий Осиё уйинлари ўтказилган йил. Ж — Соҳибқирон Амир Темур Муҳаммад Тарағай таваллуд топган йил. З — Марказий Осиёда Маҳмуд Торобий бошчилигида мўғуллар истибдодига қарши қайси йили халқ қўзғолони бўлган. И — Баҳоуддин Нақшбанд таваллуд топган йилни эслай оласизми? Й — Тошкентда дастлабки темир йўл вокзали қачон қурилган ва Марказий Осиёда дастлабки сейсмик станцияга қачон асос солинган. К — Дастлабки электр станция қурилган йил. Л — Мамлакатимизда «Турон» маданий маърифий жамияти ташкил топган йил. М — Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши халқ қўзғолони. Н — Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси билан Туркистон халқ дорилфунуни очилиши. О — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил этилган йил. П — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ташкил топиши. Р — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил этилган йил. С — Улуғ мутасаввуф Наҳмиддин Кубро таваллуд топган йил. Т — Ўзбек тилида биринчи босма китобнинг (Ш. Иброҳимов — «Тақвим») нашр этилиши. У — Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган йил. Ф — Марказий Осиёда энг баланд телевизион миноранинг фойдаланишга топширилиши. Х — Тошкентда Халқлар Дустлиги саройининг очилиши. Ч — Марказий Осиёда биринчи кибернетика институти очилган йил. Ш — Пўкус Давлат дорилфунуни очилиши. Э — Тошкент метрополитенининг ишга туширилиши. Я — Навоий номидаги республика кутубхонаси барпо этилган йил. Ў — Чоризм зулмига қарши халқ қўзғолони. Қ — Мирзо Улуғбек номидаги Давлат университетининг ташкил этилиши.



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Кулгидан олам яшаргай

Хрушчев чўчқа фермасига борган экан. «Правда»чилар олиб келинган суратга тагсўз ёзолмай бош қотиришаяпти:

— Балким «Ўртоқ Хрушчев чўчқалар орасида» десакчи?

— Ғализ, бўлмайдими?

— Унда «Чўчқалар ўртоқ Хрушчев атрофида»?

— Буниси ҳам чиқмади.

Охири газетадаги суратга қуйидаги тагсўз босилди: «Чапдан учинчи ўртоқ Хрушчев».

***

Брежнев съездда нутқ сўзлаяпти:

— Ўртоқлар, сиз ўйламанг, мени қоғоздан ўқиб беради деб, вергул, Сиз, мутлақо янглишасизлар, нуқта.

***

Матбуот конференциясида Брежневдан сўрашди:

— Тақдим этилаётган мукофотни ҳеч қачон рад этганмисиз?

— Ҳа, яқиндагина Мапутунинг олий мукофотини олмадим.

— У қанақа мукофот эди?

— Бурунга тақиладиган узук.

***

Брежнев у дунёда Хрушчев билан учрашибди.

— Сен Бош котиб бўлганингда бирор нарса қурганмидинг?

— Йўқ. Узингчи?

— Мен ҳам.

— Унда улар нимани қайта қуришяпти?

Ҳ. ЭРМАТОВ
ўзбекчалаштирди.



Изоҳга ҳожат йўқ.

ТЕЛЕШИНАВАНДА

(ҲАЖВИЯ)

Ойнаи жаҳонни ким кашф этган бўлса, отасига балли! Заб калласи ишлайдиган одам экан-да узиям! Калла тўла гиж-гиж ақл!

Юмшоқ ўринда, ёнбошингизда лўлаболиш, тагингизда атласми, бахмалданми кўрпача, ер юзининг турли бурчакларида қандай воқеалар бўлаётганлигини маза қилиб кўриб ётасиз. Буниси-ку, майли. Киносини айтмайсизми?! Биз дунёда фақат ҳинд фильмлари бор деб адашиб юрган экканмиз. Дунёда Америқо, Франгистон ва яна бошқа турли мамлакатларнинг ҳам киноси бор экан. Уларда табиат манзаралари, қўшиқ-рақс, ур-йиқитдан ташқари яна ҳалигилар ҳам кўрсатилар экан. Сабил қолгур, шунақа томошалар зўр экан-да! Кўрмаганнинг кўргани қурсин!

Тагингизга кўрпача ташладингиз, хўп. Чой дамладингизми? Дамланг! Чанқасангиз ичасиз. Туфдонни ўриндиқ тагига қўйинг! Туфдонга бало борми, дейсизми?! Қизиқмисиз, жаҳлингиз чиқса қандайдир аламни босиш керак-ку. Билмадим, Салим аттор айтганми, Ҳалим отар айтганми, ишқилиб, бир доно айтган экан; «Жаҳлинг чиқса туфла, ўзингга келасан», деб. Эҳтиёт шарт ўгилчангизнинг тувагини ҳам қўл узатсангиз етадиган жойга олиб келиб қўйинг! Нега? Э, саволингиз қурсин! Керак бўлади. Дейлик ўшанақа зўр фильм кўряпсиз. Уйда сиз ва ўгилчангиз. Ўгилчангиз талаб қилса, шундоқ энгашасиз... Фильмни маза қилиб кўраверасиз. Бироз вақтдан сўнг уйнинг ҳавоси ўзгаради. Сизнинг кўзларингиз экранда, хаёлингиз акс этаётган воқеалар билан банд. Хонада тоза ҳаво қолмайди ҳисоб. Сиз сезмайсиз. Кино қизигандан қизияпти. Ўгилингиз:

— Дада, бўлди, — дейди.

— Шошма, ҳозир тугайди.

— Дада!

— Ма, — деб чойнак тагида турган қоғоздан йиртиб узатасиз.

Кўзларингиз экранда, хаёлингиз акс этаётган воқеалар билан банд.

Эшик тақиллайди, эшитмайсиз. Яна тақиллайди. Яна эшитмайсиз. Энди тақиллаш ҳам гапми, бир нарса портлайди. Шунда кўзингизни экрандан оласиз, эшикка қарайсиз. Қулоғингизга тақ-туқ ва таниш овоз эшитилади. «Э, касофат, кинонинг белига тепдинг!» дея ўрнингиздан туриб, эшикни очасиз. Хотинингиз бозордан келди. Қулидаги нарсаларни олар-олмас, жойингизга шошасиз. Бўлмаса ўтиб кетади. Хотинингиз чуқур-чуқур нафас олиб:

— Нима қилиб ўтирибсизлар? — дейди жаҳли чиқиб. Ўгилчангиз:

— Дадам кино кўряптилар, мен, мен...

— Э, киноси ҳам ардона қолсин, манавини туксангиз бўлмайдими?

— Шошма, кўриб олай...

Хотинингиз тез-тез ҳаракат қилиб, деразани очади, тувакнинг қопқоғини ёпиб олиб чиқиб кетади. Хонага тоза ҳаво киради. Сиз сезмайсиз, кўзларингиз экранда, хаёлингиз акс этаётган воқеалар билан банд. Хотинингиз телевизорни ўчиради.

— Э, э, шошма...

— Ҳадеб чўзилиб ётавермай, бундоқ кўча-пўчага ҳам чиқинг...

Шунда ўрнингиздан туриб кетишасиз. Дераза ёнига келиб ташқарига қарайсиз. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб симириб, хотинингизга дейсиз:

— Ойиси, ҳаво бунча совуқ, қиш ҳам кеп қобди-да! А?! Шаҳарнинг шуниси чатоқда, қиш келганини ҳам сезмай қоласан, киши...

Абдураззоқ ОБРЎЙ.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 1996 йил 1 январда чиқади).

ALI DIL LTD

ЎЗБЕКИСТОН-ПОКИСТОН
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

бутун ўзбек халқини
Янги — 1996 йил билан
чин юракдан муборакбод этади.

АЛИ ДИЛ ЛТД
қўшма корхонаси
Янги йил байрами арафасида
ўзининг муносиб тўёнасини тақдим этади. Янги йилда Ўзбекистон аҳолисининг ҳар бир хонадони учун зарур ҳаётий уй-рўзғор ва бошқа хил товарларни улгуржи ва чакана арзон нархларда таклиф этади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Чилонзор массиви, 1-даҳа, 65-уй, "Чилонзор" савдо маркази рўпарасида.
Тел: 77-50-27.

ДУШАНБА, 1

ЎзТВ I
7.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.30 «Йилнома».
9.30 — 10.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастурининг давоми.
*
10.00 «Қор парчалари». Богча болаларининг байрам дастури.
10.20 Саид Аҳмад. «Йўғонтепа». Ҳажвий новелла. 1-қисм.
11.10 «Оқ орзули қўшиқлар». Эстрада дастури.
12.35 «Барча ҳавас қилганда...» Кинодастур.
13.10 Саид Аҳмад. «Хотинлар Йўғонтепани эслашди». Ҳажвий новелла. 2-қисм.
14.00 «Ён, ён, арчажон». Янги йил карнавали.
15.00 «Суюнчи». Бадиий фильм.
16.15 «Гап йўқ». Янги йил саргузаштлари.
17.15 «Бахт тилаймиз». Мусиқий дастур.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.35 Янги йил қувончлари.
19.05 «Экран ҳандаси». Кинокурсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Дилдаги гаплар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова.
21.55 Диққат, ЎзТВ экранида премьера: «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Испания).
23.30 «Ахборот».
23.50 — 01.10 «Мусиқий чойхона».

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «1996 йил». Мунажжимлар башорати.
17.10 «Совға».
17.25 «Олам».
18.10 «Даракчи».
18.20 «Уйимдаги бегона». Бадиий фильм. 1-серия (Миср).
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ишингиз бароридан келсин!».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Юлдузли онлар».
21.15 «Салом, ёшлар!».
22.00 «Даракчи».
22.10 «Уйимдаги бегона». Бадиий фильм. 2-серия (Миср).
23.10 «Шарқ дурдоналари».
23.45 — 00.35 «Муъжиза». Дэвид Копперфильд сеҳр-жодулари.

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Бухоро зардўзлари». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Майда-чуйда».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Кўзмунчоқ».
20.25 «Президент арчаси». «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
21.45 «Кинотриада».
22.25 «Британия кундалиги».
23.00 «Олам ва одам».
23.30 — 24.00 «Шумтакалар». Ҳажвий дастур.

СЕШАНБА, 2

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастурининг давоми.
*
8.30 «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Испания).
10.05 Немис тили.
10.35 «Сизга тавсия».
11.05 «Арча атрофида».
11.50 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
12.20 — 13.20 «Дилдаги гаплар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 1. «Манзилдан — манзилгача».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 2. «Вақт хиёбонида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 3. «Манзил».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 —00.40 Диққат, ЎзТВ экранида премьера: «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-серия (Испания).

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Бизнес-уик».
20.05 «Мусиқий йўлка».
20.15 «АРТ — журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Видеогид».
21.15 Эълонлар.
21.20 — 23.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Уйинчоғим — қўғирчоқ». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Дарсга қунғироқ».
20.35 «Тет-а-тет».
21.00 «Кичик дебют».
21.30 «32 декабрь». Катталар учун мультфильм.
21.45 «Алламбало».
22.05 — 22.45 «Тошкент оқшомида».
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 «Кинематограф».
22.50 — 23.30 «Эллада».

ЧОРШАНБА, 3

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастурининг давоми.
*
8.30 «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-серия (Испания).
9.20 «Нон таъми». Андижон «Ризқ» хисадорлик жамияти ҳақида.
9.50 Диққат, премьера: «Тоҳир Ражабий». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Буни умр дерлар». Физика-математика фанлари номзоди Ф. Зикриллаев.
11.20 Болалар учун. «Янги йил эртаги».
12.10 «Онамнинг ўгитлари».
12.50 — 13.20 «Маърифат бешиги».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 «Бугунги Европа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Фан уфқлари». Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти, академик Т. Ж. Жураев иштирок этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Акс-садо».
21.35 Диққат, ЎзТВ экранида премьера: «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-серия (Испания).
22.25 «Дилрабо қошу кўзинг». Огаҳий газаллари билан айтиладиган ашулалар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.30 Ойбек. «Қизлар». Телевизион театр.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Дустим, тулпор».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «СПОРТ-КИТЪАСИ».
21.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.15 — 23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тоғ қуллари сири». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 «Табиат дунёси».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Дарсга қунғироқ».
20.35 «Тет-а-тет».
21.00 «Кичик дебют».
21.30 «32 декабрь». Катталар учун мультфильм.
21.45 «Алламбало».
22.05 — 22.45 «Тошкент оқшомида».

ПАЙШАНБА, 4

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.
*
8.30 «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-серия (Испания).
9.20 «Кизлар гулдастаси».
10.00 «Тараққиёт». Сирдарё вилоятидан кўрсатув.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Аёл бахти». Кинодастур.
11.40 «Қизиқарли учрашувлар». Ёзувчи Мухтор Худойқулов.
12.10—12.40 «Кашф этилаётган имкониятлар».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун фильм. «Нишона».
18.20 «Ислоҳот ва масъулият». Изланишлар қанотида.
18.55 «Парламентлараро алоқалар». Ўзбекистон парламенти аъзоларининг Америка Қўшма Штатларига сафари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Туркистон — умумий уйимиз».
21.30 Диққат, ЎзТВ экранида премьера: «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-серия (Испания).
22.20 «Сизни севмаслик ҳаққим йўқ». Дониёр Тошмуҳамедов қўшиқлари.
23.10 Диққат, премьера. «Занжир олди лари». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.25 Хоразм наволари.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Автосалон».
20.10 «Хай фай» («Юқори сифат»).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Сизнинг услуб».
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 — 23.10 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.45 «Менинг кўчам».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Деҳқон ҳиммати».
20.25 «Кинематограф».
21.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.55 — 23.25 «Оқ соя».

ЖУМА, 5

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.
*
8.30 «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-серия (Испания).
9.20 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
Ўқув машғулотлари:
10.00 «Ассалом, япон тили!»
10.40 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.10 «Олтин жўжа». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.50 «Ёшлар куйлаганда».
12.20—12.50 «Таълим ва ислоҳот».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Танаффус». Мультфильм.
18.20 «Сиҳат-саломатлик».
18.50 Бевосита мулоқот.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Диққат, премьера: «Бухоро». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Мерос». Нажмиддин Кубро.
21.40 Диққат, ЎзТВ экранида премьера: «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-серия (Испания).
22.35 «Хофизлар хониш қилганда».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.25 Каратэ-до бўйича Ўзбекистон чемпионати.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ривоят».
18.20 «Жума тақвими».
18.30 «Телевизион фестиваль».
19.05 Рақс қушиқлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Репортаж.
20.10 «Эртага шанба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Тасвир».
21.20 «Таманно».
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 — 22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент» радиосининг олтин водийси». Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар
23.25 Янгиликлар.
23.30 «Жонли сайёра».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Жонли тил».
20.35 «Мусиқий меҳмонхона».
21.15 «Бизнес-академия».
21.40 «Ҳамшаҳарлар».
22.20 — 22.40 «Подиум».

ШАНБА, 6

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.
*
8.30 «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-серия (Испания).
9.25 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
10.05 Тухтасин Жалилов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кеча. Мусиқий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театридан ёзиб олинган.
11.20 «Шоҳруҳ» клуби.
11.50 «Халқ ижодиёти».
12.20 «Оила». Телевизион журнал.
13.00 — 13.35 «Али кичкина». Андижон вилоят «Лола» қўғирчоқ театрининг спектакли.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Туркистон»да арча байрами.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Эълонлар.
20.15 «Помор қиссаси». Катталар учун мультфильм.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Мусиқий чойхона».
22.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Компьютер-Осиё».
9.45 «Сизнинг услуб».
10.00 «Палитра».
10.30 «Видеогид».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.15 — 12.55 «Кинонигоҳ».
***
18.00 «Мультфейерверк».
18.25 Эълонлар.
18.30 «Олам».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ишингиз бароридан келсин!».
20.00 Шарқ тароналари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Имкон чўққилари».
21.15 «Кўнгил». Д. Шамс курсатуви.
21.55 Эълонлар.
22.00 — 23.40 Видео — «О».

ЎзТВ III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Адиба Шарипова чалади». Фильм-концерт.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Эсдалик учун дастхат».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Умид» (уйғур тилида).
10.40 «Рангинкамон» (тожик тилида).
11.20 «Дидар» (қозоқ тилида).
12.00 «Айчурек» (киргиз тилида).
12.40 «Бизнен-мирас» (татар тилида).
13.20 — 14.00 «Чинсэн».
***
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдон». Болалар учун дастур.
20.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.30 «Ҳавлипарастлар байрами».
21.00 «Бугунги Европа».
21.20 «Рақслар қаноатида».
21.50 «Майда-чуйда».
22.10 «Бу ажиб дунё».
22.30 — 24.00 «Кинематограф».

ЯКШАНБА, 7

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Қувноқ стартлар».
12.00 «Саодат» журнали — 70 ёшда.
13.00 «Циркда арча байрами».
13.45 Фарғона вилояти Учқўприк тумани «Тановар» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
14.25—15.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кўзи учун уй». Мультфильм.
18.20 «Қушигим, жон қушигим».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Эстрада тароналари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Замира Ҳидоятова таваллудининг 85 йиллигига.
22.25 Тунги дам олиш концерти.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—00.35 «Жаҳон киноси юлдузлари».

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Ривоят».
9.05 «Ишингиз бароридан келсин!».
9.25 «Олам».
10.15 «Репортаж».
10.30 «Имкон чўққилари».
10.50 «Кўнгил».
11.30 «Рақс қушиқлари». Эълонлар.
12.00 — 13.40 «Кинонигоҳ».
***
18.00 Келгуси ҳафтада.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Совға».
18.30 «Оҳанглар оғушида».
18.40 «Ҳикматнинг виждони». Телесериал (Миср).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Дармоа» («Фармед» ателье).
20.05 «Салом, ёшлар!».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Шеърият».
21.10 «Шахс ва баҳс».
21.30 «Даракчи».
21.40 Видео янгиликлари.
21.55 Эълонлар.
22.00 — 23.40 Видео — «О».

ЎзТВ III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Янгра, дутоним». Фильм-концерт.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 22.50
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Панорама».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Э